


Тафсир илми энг олий илмлардан бўлиб, бу илм олимдан юксак салохият хамда етуклик талаб килади. Ушбу илмни эгаллаш учун эса олим, аввало, бир неча фанларни пухта ўзлаштириши зарур. Муфассир уламолардан Суютий рахматуллохи алайх бу илмларнинг 15 та эканини айтиб, кискача шархлаганлар:

1. Лугат илми. Бу илм ёрдамида сўзлар маънолари, далолати тушунилади. Мужохид рахматуллохи алайх айтадилар: «Аллохга ва охират кунига иймон келтирган киши учун араб тилини билмасдан Аллох таолонинг Китоби тўгрисида гапириши мумкин эмас». Араб тилини саёз

ўрганиш хам кифоя эмас, чунки гохида бир сўз бир нечта маънода келиши, маънодошлари (синоним) бўлиши, ёки бир лафз умуман бир-бирига тескари бўлган иккала маънони ўз ичига олган бўлиши хам мумкин. Асосийси, бу нафакат тил, балки Аллох

таолонинг илохий Каломидир. Бунга юзаки караш ва саёз илм билан у хакида гапириш мутлако жоиз эмас.

2. Нахв илми. Калималарни якка ва гап таркибига кирган холатини ўрганадиган коидалардир. Бу илмни билиш гапнинг мазмуни такозо киладиган харакатларни тўгри кўйиш ва нотўгри маъно бериб кўйишдан саклайди.

3,4. Сарф ва иштикок илми. Сарф илми калиманинг ёлгиз холатларини ва феълларнинг тусланишини ўрганадиган илм. Иштикок илми сўзларнинг келиб чикиши, уларнинг кайси масдардан (ўзак) чикариб олинганини ўргатадиган илмдир.

5,6,7. Маъоний, Баён ва Бадеъ илмлари бўлиб, булар умумий «Балогат илми» дейилади. Бу илмлар сўзларни чиройли, бадиий, кофияли, жарангли ва бир-бирига уйгун келтиришни ўргатади. Соддарок

айтадиган
бўлсак
,
хар
бир
сўзни
ўз
ўрнида
мохирона
кўллай
олишни
ўргатади
.

8. Кироатлар илми. Бу илмни ўрганиш билан Куръони Каримни бизгача муттасил санад билан
хатосиз
етиб
келган
шаклда
ўкиш
ва
ўрганишга
имкон
беради
.

9. Усулуд дин (Тавхид) илмини ўрганиш. Бу эътикодга оид илм бўлиб, бу банданинг эътикод килиши лозим бўлган нарсалар хакидаги илмдир. Мисол учун, Аллох таолонинг исми ва сифатлари, фаришталар, охират куни хакидаги билиш зарур бўлган нарсалар. Агар эътикод нотўгри шаклланган бўлса, тафсир билан шугулланаётган киши Куръон оятларини нотўгри тушуниши, мухкам оятларга эмас, балки муташобих оятларга эргашиб, адашиб кетиши мумкин.

10. Усулул фикх илми. Бу илмга уламоларнинг таърифи куйидагича: «Батафсил далил-хужжатлардан шариатнинг амалий ахкомларини истинбод килиш коидаларини ўргатадиган илм». Соддарок айтадиган бўлсак, таърифдаги батафсил хужжатларнинг биринчиси ва асосийси Куръони Каримдан хукмларни чикариб олишни ўргатадиган илм.

11. Сабаби нузул илми. Бу илм оятларнинг нима сабабдан, ким сабабидан нозил бўлганини ўргатувчи илмдир.

12. Носих ва мансух илми. Бу маълум бир муддат амалда бўлиб, кейинчалик илохий хикмат такозосига кўра бошкасига алмашган, амалдан колган ва амалда бўлган хукмлар, оятларни ўрганадиган илм хисобланади.

13. Фикх. Бу шариатнинг фаръий (иккинчи даражали) масалалари бахс килинадиган илм. Бунда, асосан, ибодат, муомала, укубатлар, тахорат, никох каби масалалар ўрганилади.

14. Куръонни тафсир килиб берадиган хадисларни ўрганиш.

15. Аллох томонидан бериладиган илм. Яъни Аллох таоло томонидан олимга инъом этилади. Бу илм унга Аллохнинг мўъжизавий Каломи сирларидан вокиф бўлиши ва уни бошкаларга етказишига ёрдам беради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Куръони Каримни тафсир килиш уламолардан кўп машаккатли мехнат талаб килар экан. Муфассир уламоларимизниг бизга Куръон маъноларини тушунтириб бериш йўлидаги ана шундай машаккатлари, фидойиликлари доимо тахсинга сазовордир.

***Аъзамжон ТОШПЎЛАТОВ***